*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● 22 декабрь, 1984 йил ● № 245 (8485). ● ШАНБА ● Баҳоси 3 тийин.

# КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси ўзининг навбатдаги мажлисида Россиядаги 1905—1907 йиллар революциясининг 80 йиллиги тўғрисида қарор қабул қилди. Қарорда уқтирилишича, бу империализм давридаги биринчи халқ революцияси бўлди, ишчилар синфи унда гегемонлик, барча меҳнаткашлар оммасига йўлбошчилик қилди. В. И. Ленин бошчилигида большевиклар партияси — революцион назария билан практикани амалда бирга қўшган янги типдаги партия озодлик курашининг олдинги сафида борди. Халқ оммаси бунёд этган ишчи, деҳқон, солдат депутатлар советлари революцион ҳокимиятнинг жанговар органлари бўлиб майдонга чиқди, В. И. Ленин бу советларни бўлғуси социалистик давлат тузумининг тимсоли деб билди, Улуғ Октябрь буни узил-кесил тасдиқлади.

Биринчи Россия революциясининг 80 йиллигини партия ва мамлакат, жаҳон коммунистик, ишчи ва миллий озодлик ҳаракати тарихидаги шонли воқеа сифатида кенг нишонлаш мақсадга мувофиқ деб топилди. Совет халқининг социалистик қурилишдаги революцион анъаналарини ва қаҳрамонона ишларини, Коммунистик партия билан Совет давлати ички ва ташқи сиёсатини пропаганда қилиш юзасидан, оммани ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажаришга, КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олишга сафарбар қилиш юзасидан бир қанча тадбирлар ўтказиш белгиланди.

Шу масала юзасидан қабул қилинган қарор тексти матбуотда эълон қилинади.

Сиёсий бюро ўрток К. У. Черненконинг Эфиопия Ишчи партияси Марказий Комитети Бош секретари, Социалистик Эфиопия муваққат ҳарбий-маъмурий кенгашининг Раиси Менгисту Хайле Мариам билан қилган суҳбатини маъқуллади. Бўлиб ўтган суҳбат Совет Иттифоқи билан Эфиопия ўртасидаги дўстона муносабатларни мустаҳкамлашда янги қадам бўлганлиги, ҳозирги халқаро вазиятнинг энг муҳим масалалари юзасидан уларнинг фикрлари бирлигини ифодалаганлиги мажлисда уқтириб ўтилди. КПСС билан Эфиопия Ишчи партияси ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисидаги битим шу муносабатларни мустаҳкамлаш учун катта аҳамиятга эга бўлади. Совет Иттифоқи оғир табиий офат оқибатларини бартараф этишда, янги турмуш қуришда эфиоп халқига бундан буён ҳам мадад ва ёрдам бераверади. У империализм ва янги мустамлакачиликнинг тазйиқига қарама-қарши турган социалистик Эфиопиянинг қатъий позициясини, унинг Африкадаги мустақил давлатлар бирлиги ва жипслигини мустаҳкамлаш йўлидаги изчил курашини юксак қадрлайди.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси ўрток К. У. Черненко бошчилигидаги КПСС делегацияси билан Япония Компартияси Марказий Комитетининг Раиси К. Миямото бошчилигидаги ЯКП делегациясининг Москвада бўлиб ўтган музокаралари якунларини муҳокама қилиб, маъқуллади. Амалий руҳда, ўртоқларча ҳамжиҳатлик муҳитида ўтган бу музокаралар ядро урушининг олдини олиш, ядро қуролини батамом тақиқлаш ва тугатишга эришиш юзасидан туб тадбирлар кўрилишига интилиш жуда зарурлиги тўғрисидаги масалада иккала партиянинг якдиллигини аниқлаганлиги қайд этилди. Шу билан бирга иккала партия шу мақсад сари силжишга кўмаклашадиган тадбирларни амалга ошириш, шу жумладан космик фазони ҳарбийлаштиришга йўл қўймаслик муҳим, деган фикрни билдирдилар. Бошқа баъзи масалалар хусусидаги тафовутларга қарамай, мазкур соҳаларда КПСС билан ЯКП ўртасидаги ҳамкорлик жаҳон афкор оммасини, барча тинчликсевар кучларни шу тарихий вазифаларни ҳал этиш учун курашга сафарбар қилишга яхши ҳисса бўлиб қўшилиши мумкин.

Ўрток Н. А. Тихоновнинг Мальта Республикаси Бош министри Д. Минтофф билан музокаралари ҳамда К. У. Черненко ва А. А. Громико ўртоқларнинг у билан ўтказган суҳбатлари натижалари кўриб чиқилиб, маъқулланди. Шу музокара ва суҳбатлар чоғида ўзаро манфаатли Совет-Мальта муносабатларини янада ривожлантиришнинг актуал масалалари, шунингдек Европада ва Ўрта денгизда халқаро хавфсизликни таъминлаш, Ўрта денгизни барқарор тинчлик ва ҳамкорлик зонасига айлантириш проблемалари кўриб чиқилди.

Сиёсий бюро ўрток Б. Н. Пономаревнинг Прагада «Проблеми мира и социализма» журналининг ишига бағишлаб ўтказилган учрашув тўғрисидаги ахборотини тинглади. Бу учрашувда вакиллари қатнашган партиялар коммунистларнинг, урушга қарши барча кучларнинг қуролланиш пойгасига қарши курашини активлаштириш масалаларига бир хил тарзда ёндашаётганликларини учрашув намойиш этди, коммунистик ва ишчи партияларнинг интернационал алоқаларини ва ўзаро баҳамжиҳат ҳаракатларини мустаҳкамлаш тенденцияси янада кучайганлигини кўрсатди. «Проблеми мира и социализма» журнали шу алоқалар ва ҳаракатларни ривожлантиришнинг муҳим воситаси бўлиб хизмат қилиши керак.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида ички ва ташқи сиёсатнинг, халқлар тинчлиги ва ҳамжиҳатлиги учун курашнинг бошқа баъзи масалалари ҳам кўриб чиқилди.

# Ўртоқ К. У. ЧЕРНЕНКОнинг

## ГФР касаба союз арбоби Ю. ЛЕЛЬБАХ мактубига жавоби

ГФР таниқли касаба союз арбоби Ю. Лельбахнинг К. У. Черненко номига йўллаган мактубида Ғарбий Германия территориясида Американинг кўп минг тонналаб заҳарли моддалари мавжудлигидан ва Европада химиявий уруш чиқиш эҳтимоли борлигидан чуқур ҳавотирлик изҳор этилади. Ю. Лельбах Совет Иттифоқига мурожаат этиб, Европада химиявий қуролдан ҳоли зонани вужудга келтириш ғоясини қўллаб-қувватлашни илтимос қилди.

* * *

Муҳтарам Лельбах Жаноблари.

Сизнинг мактубингизда жуда актуал мавзу тилга олинган. Оммавий қирғин воситаси бўлмиш химиявий қурол ядро қуроли билан биргаликда инсоният учун даҳшатли хавф солади. ГФР аҳолисининг кенг табақалари Ғарбий Германия территориясида Америка химиявий қуролининг катта запаслари мавжудлигидан зўр таҳликага тушаётганликлари табиий. Чамаси, бу запасларни алоҳида хатарли бинар ўқ-дори ҳисобига янада кўпайтириш кўзда тутилмоқда.

Ўтган йилнинг декабридан бошлаб Федератив республиканинг ҳолати Ғарбий Европада ўзига хос «ноёб» бўлиб қолганлиги сабабли сизнинг мактубингизда равшан янграган бу ҳавотирликнинг сабаби айниқса тушунарли. Американинг «Першинг-2» баллистик ракеталари ва Американинг химиявий қуроли фақат шу мамлакат территориясида кўплаб жойлаштириб қўйилди. Бу аҳволдан ГФРнинг ўзи ва унинг қўшнилари учун келиб чиқадиган хатарли оқибатлар мутлақо равшан.

Совет Иттифоқи химиявий қуролни қонундан ташқари қилиб қўйишни, уни давлатларнинг аслаҳахоналаридан чиқариб ташлашни кўпданоқ таклиф қилиб келаётганлиги сизга маълум бўлса керак. Биз бу проблемани бутун дунё миқёсида ҳам, қисмба-қисм асосида ҳам ҳал қилишга тайёрмиз. СССР ва бошқа социалистик мамлакатлар энг муҳим қадам сифатида 1984 йил январида Европани химиявий қуролнинг ҳамма турларидан ҳалос қилиш тўғрисида келишиб олишни таклиф қилдилар. Бу хусусдаги келишув жаҳон миқёсида химиявий қуролни тақиқлаш тўғрисида конвенция тузилишини тезлаштира олиши шубҳасиз, бу эса Варшава шартномасида қатнашувчи давлатларнинг пировард мақсади бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади.

Улар НАТО мамлакатлари билан ва Европадаги бошқа манфаатдор давлатлар билан Европани химиявий қуролдан ҳалос қилиш тўғрисидаги масала юзасидан фикрлашув ўтказишга доим тайёрдирлар.

Бироқ, НАТО мамлакатлари, шу жумладан ГФР химиявий қуролнинг батамом тақиқланишига тўсқинлик қилиб, ҳатто Европа қитъасига тааллуқли таклифларни ҳам муҳокама қилишдан бош тортмоқдалар.

Ана шундай шароитда химиявий қуролни тезроқ тақиқлаш барча тарафдорларининг актив позицияси алоҳида аҳамият касб этади. Ер юзини шу ваҳшиёна қуролдан ҳалос қилиш учун куч-ғайратларни аямаслик — бизнинг муштарак бурчимиздир.

Совет Иттифоқига келганда, у Европада химиявий қуролдан ҳоли зонани вужудга келтиришга кўмаклашиш учун бундан буён ҳам ўзига боғлиқ бўлган ҳамма ишни қилаверади ва манфаатдор томонлар ўртасида келишиб олиниши мумкин бўлган ҳамда мазкур мақсадга реал равишда олиб борадиган қадамлар доирасида шундай зонанинг статусини ҳурмат қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олишга тайёр бўлур эди, Қўшма Штатлар ва зона территориясида қуролли кучларга эга бўлган бошқа давлатлар ҳам ўз зиммаларига шундай мажбуриятларни олган тақдирдагина бундай зонанинг статуси пухта равишда гарантияланиши мумкинлиги мутлақо тушунарли.

Лельбах жаноблари, тинчлик ва Европа хавфсизлигини мустаҳкамлаш йўлидаги олийҳиммат фаолиятингизда сизга муваффақиятлар тилайман.

Эҳтиром билан
К. ЧЕРНЕНКО.

# СОВЕТ РАДИО ЭШИТТИРИШИ ХОДИМЛАРИГА

**Азиз ўртоқлар!**

**Сизларни катта воқеа — СССРда мунтазам радио эшиттириш бошланган куннинг олтмиш йиллиги билан чин кўнгилдан табриклайман.**

**Олтмиш йил мобайнида совет радио эшиттириши бутун мамлакатни қамраб олди, жамиятимиз маънавий турмушининг таркибий қисми, меҳнаткашларни сиёсий ва маънавий тарбиялашнинг таъсирчан воситаси бўлиб қолди.**

**Владимир Ильич Ленин радиони қоғозсиз ва масофасиз газета деб атаб, унинг пропагандистлик ролини юксак баҳолаган эди. Радио эшиттириш йирик халқ хўжалиги, сиёсий ва социал вазифаларни ҳал этишга, Коммунистик партия билан совет давлатининг ички ва ташқи сиёсатини тушунтириб беришга ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшмоқда, мамлакатимиз тўғрисидаги ҳақиқатни жаҳон халқларининг билиб олишига имкон бермоқда.**

**Совет радио эшиттириши ходимлари бундан буён ҳам улуғ ватанимизнинг экономикаси, фани, техникаси, маданиятини, меҳнаткашларнинг фаровонлигини янада юксалтириш учун курашда актив қатнашаверади, совет турмуш тарзини, кекса авлодларнинг шонли революцион, жанговар ва меҳнат анъаналари муносиб давомчилари бўлмиш замондошларимизнинг ажойиб фазилатларини яққол пропаганда қилаверади, деб ишонч билдираман.**

**Азиз ўртоқлар, сизларга янгидан-янги ижодий муваффақиятлар тилайман!**

**К. ЧЕРНЕНКО.**

# ХАЛҚНИНГ МУНОСИБ НОМЗОДЛАРИ

## ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОДЛАР КЎРСАТИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

**24 ФЕВРАЛЬ — СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ**

**Мамлакатнинг меҳнат коллективлари ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, халқ зиёлиларининг энг яхши вакилларини республикалар Олий Советлари депутатлигига номзод қилиб кўрсатмоқдалар. Сайловчилар Коммунистик партия билан Совет давлатининг раҳбарларини ўзларининг биринчи номзодлари, деб атамоқдалар.**

Москвадаги «Серп и Молот» металлургия заводи коллективининг йиғилишида байрам муҳити ҳукм сурди.

Йиғилишни корхона касаба союз комитетининг раиси В. Р. Фетисов очди.

Вальсовкачи А. В. Малишев минбарга чиқади:

— Мен Коммунистик партия билан Совет давлатининг, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг атоқли арбоби, Ленин типидаги раҳбар, марксизм-ленинизм ғояларининг оташин тарғиботчиси, тинчлик ва халқлар ўртасида ҳамкорлик учун толмас курашчи КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Константин Устинович Черненкони РСФСР Олий Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатишни таклиф қиламан,— деди.

Бу таклифни йиғилиш аҳли гулдурос давомли қарсаклар билан кутиб олди.

Электрчи, қуюв цехи партия бюросининг секретари В. А. Лопухов ҳамкасбларининг таклифини қизғин қўллаб-қувватлаб, илғор пўлат эритувчи В. И. Коптевни ҳам депутатликка номзод этиб кўрсатди.

Йиғилиш **Константин Устинович Черненко** ва **Вячеслав Иванович Коптевни** Калинин сайлов округидан РСФСР Олий Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатиш тўғрисида якдиллик билан қарор қабул қилди.

Ленинграддаги Адмиралтейск бирлашмасида бўлиб ўтган йиғилиш қатнашчилари КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг раиси **Николай Александрович Тихонов** ва бирлашма корпус йиғувчилари слесари **Геннадий Иванович Краснопеевни** Октябрь сайлов округидан РСФСР Олий Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатиш тўғрисида якдиллик билан қарор қабул қилдилар.

Ставрополь қишлоқ хўжалик илмий-тадқиқот институтининг бўлимларидан бири — «Михайловское» тажриба хўжалигининг деҳқонлари, чорвадорлари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг йиғилишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари **Михаил Сергеевич Горбачев** ва механизациялаштирилган звено бошлиғи **Василий Николаевич Кулешин** Саноат сайлов округидан Россия Федерацияси давлат ҳокимияти Олий органига номзод этиб кўрсатилдилар.

Москвадаги радио-техника аппаратлари заводининг ишчи ва хизматчилари КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Москва шаҳар партия комитетининг биринчи секретари **Виктор Васильевич Гришин** ва шу завод электрослесарлари бригадири **Леонид Васильевич Абажаевни** Орехово-Борисово сайлов округидан РСФСР Олий Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатдилар.

Москва областидаги «Электросталь» заводи коллективининг йиғилишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми раисининг биринчи ўринбосари **Василий Васильевич Кузнецовни** Электросталь сайлов округидан РСФСР Олий Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатиш тўғрисида якдиллик билан қарор қилинди.

Москва область Подольск шаҳридаги М. И. Калинин номли механика заводида бўлиб ўтган йиғилиш қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг секретари **Иван Васильевич Капитоновни** Подольск шаҳар сайлов округидан РСФСР Олий Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатиш тўғрисида якдиллик билан қарор қилдилар.

Краснодардаги «ЗИП» электр ўлчов асбоблари заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари **Константин Устинович Черненко** ва корхонанинг илғор йиғувчиси **Тамара Петровна Битюковани** Первомайск сайлов округидан РСФСР Олий Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатдилар.

Красноярскдаги шойи комбинатининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари «Текстильшчик» маданият саройига йиғилишга келдилар.

Бўяш-пардозлаш цехи партия бюросининг секретари Т. И. Величинская минбарга чиқади.

— КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненконинг Свердлов сайлов округидан РСФСР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатишни таклиф этаман, — деди у.

4-цех касаба союз комитетининг раиси А. С. Логунова ишдаги ўртоқларининг таклифини астойдил қўллаб-қувватлаб, тўқувчи А. Г. Сахаровани ҳам республика давлат ҳокимиятининг Олий органи депутатлигига номзод қилиб кўрсатди.

**Константин Устинович Черненко** билан **Анна Георгиевна Сахарова** Свердлов сайлов округидан РСФСР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилсин, деган қарор бир овоздан қабул қилинади.

Владивостокдаги «Дальзавод» коллективининг йиғилиши Ленин сайлов округидан РСФСР Олий Совети депутатлигига КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси **Виктор Михайлович Чебриковнинг** номзодини кўрсатиш тўғрисидаги қарорни якдиллик билан қабул этди.

Комсомольск-Амурдаги Ю. А. Гагарин номли авиация заводи коллективининг йиғилишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари **Григорий Васильевич Романов** билан завод электр монтажчиси **Галина Петровна Королева** Хабаровск ўлкасидаги Ленин сайлов округидан РСФСР Олий Совети депутатлигига бир овоздан номзодлар қилиб кўрсатилди.

Воронеж «Электроника» ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг йиғилиши бўлиб ўтди. РСФСР Олий Совети депутатлигига Темир йўл сайлов округидан КПСС Марказий Комитетининг секретари **Михаил Васильевич Зимянин** номзодини кўрсатишга якдиллик билан қарор қилинди.

Горькийдаги А. А. Жданов номли «Красное Сормово» заводи коллективининг йиғилишида **Константин Устинович Черненко** билан электр пайвандчилар бригадири **Николай Александрович Шарин** Сормово сайлов округидан РСФСР Олий Совети депутатлигига бир овоздан номзодлар қилиб кўрсатилди.

Волжск автомобиль заводининг меҳнатчилари Автозавод сайлов округидан КПСС Марказий Комитетининг секретари **Егор Кузьмич Лигачевни** РСФСР Олий Совети депутатлигига бир овоздан номзод қилиб кўрсатдилар.

Ю. В. Андропов номидаги Новолипецк металлургия комбинатининг коллективи РСФСР Олий Совети депутатлигига Новолипецк сайлов округидан номзод қилиб КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари **Владимир Иванович Долгихни** кўрсатди.

Новосибирск «Сибтекстильмаш» заводидаги йиғилишда якдиллик билан қабул қилинган қарорда бундай дейилади: КПСС Марказий Комитетининг секретари **Николай Иванович Рижков** Завод сайлов округидан РСФСР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилсин.

Пермь областидаги СССР 50 йиллиги номли Чайковский шойи газлама комбинати меҳнаткашлари вакилларининг йиғилиши КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри **Андрей Андреевич Громико** билан комбинатнинг 2-йигирув ишлаб чиқариши ип йигирувчиси **Агафья Якимовна Панинани** Чайковский сайлов округидан РСФСР Олий Совети депутатлигига номзодлар этиб кўрсатишга қарор қилди.

Ростовдаги «Красний Аксай» культиватор заводида бўлиб ўтган йиғилиш қатнашчилари РСФСР Олий Совети депутатлигига Пролетар сайлов округидан КПСС Марказий Комитетининг секретари **Константин Викторович Русаковни** номзод қилиб кўрсатдилар.

Саратов авиация заводида йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилиш қатнашчилари КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари **Борис Николаевич Пономаревни** Завод сайлов округидан РСФСР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатиш тўғрисидаги қарорни бир овоздан қабул қилдилар.

(ТАСС).

* * *

Тошкент область Бекобод районидаги Ойбек номли совхоз коллективининг сайлов олди йиғилиши чинакам халқ ҳокимиятининг, совет кишилари Ильич ғояларига содиқлигининг намойишига айланди. Йиғилишни совхоз касаба союз комитетининг раиси К. Қамбаров очди.

— Барча совет кишилари каби, биз ҳам Коммунистик партия билан совет давлатининг, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг атоқли арбоби, Ленин типидаги раҳбар, марксизм-ленинизм ғояларининг оташин пропагандисти Константин Устинович Черненкони ўзимизнинг биринчи номзодимиз қилиб кўрсатамиз,— деди ўз нутқида пахтачилик бригадасининг бошлиғи А. Маркабоев.— Ўртоқ К. У. Черненко шаҳар ва қишлоқ меҳнатчиларининг турмуш шароитларига, бизнинг талаб ва эҳтиёжларимизга нақадар зўр эътибор бераётганини ҳаммамиз биламиз. Константин Устинович ўзининг бутун умрини Ленин ишига, Коммунистик партия ишига хизмат қилишга бағишлади. У доимо коммунизм учун, ер юзида тинчликни мустаҳкамлаш учун, бизнинг бахтимиз — совет кишиларининг бахти учун курашнинг олдинги маррасида турибди.

— Мен ўртоқ Константин Устинович Черненконинг номзодини астойдил қўллаб-қувватлайман — деди Калинин номли 17-мактаб директори М. Кубаев.— Ўзбекистон халқ шоираси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Зулфия Исроиловани ҳам Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатишни таклиф қиламан. Ҳаммамизга маълум бўлган шоира Зулфия ўзининг бутун истеъдодини совет Ватанини мадҳ этишга, халқнинг меҳнатдаги ва жангдаги жасоратлариниараннум этишга бағишлаб келмоқда. Унинг шеърий сатрлари ҳар бир кишининг дилига етиб боради, янги зафарларга руҳлантиради. У республика Олий советининг депутати сифатида ҳам халққа хизмат қилиб келмоқда.

Совхоз ишчиси У. Мирзаева, бригадир А. Ёрбоев, совхоз директори А. Убайдуллаевлар ўз нутқларида кўрсатилган номзодларни қўллаб-қувватладилар.

Йиғилиш **Константин Устинович Черненко** билан **Зулфия Исроилова**ни 81-Чаноқ сайлов округидан ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзодлар қилиб кўрсатиш тўғрисида якдиллик билан қарор қабул қилди.

(ЎзТАГ).

*Ягона сиёсий кун*

# БЕШ ЙИЛЛИКНИ ЗАРБДОРЛАРЧА ЯКУНЛАЙЛИК

Ўзбекистон халқ хўжалигининг барча тармоқларини янада ривожлантиришни таъминлаш, бу йилги ва ўн биринчи беш йилликнинг якунловчи йилидаги топшириқларни муваффақиятли бажариш учун бутун куч-ғайрат ва уюшқоқликни ишга солиш зарурлиги ҳақида 21 декабрь куни республикада бўлиб ўтган ягона сиёсий кунда батафсил гаплашиб олинди. Бу галги ягона сиёсий кун: «Партиянинг программавий вазифаларини бажариш — ҳар бир кишининг шон-шараф иши!» мавзуида ўтказилди.

Саноат корхоналари, қурилишлар, колхоз ва совхозлар, муассасалар ва ўқув юртлари меҳнатчилари ҳузурида, аҳоли истиқомат қиладиган жойларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, республика Компартияси Ревизия комиссиясининг аъзолари, область, шаҳар ва район партия комитетларининг секретарлари ҳамда аъзолари, совет ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари КПСС Марказий Комитети 1984 йил октябрь Пленуми, СССР Олий Советининг иккинчи сессияси иш якунларига, ўртоқ К. У. Черненконинг Марказий Комитет Пленумида ва КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида сўзлаган нутқларидаги кўрсатмаларга, шунингдек, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг ўн биринчи сессияси қарорларига бағишланган докладлар қилдилар.

Нотиқлар партия ва давлат қабул қилган ҳужжатларнинг маъноси ва аҳамиятини тушунтириб бердилар, бу ҳужжатлар меҳнат коллективларини, ҳар бир меҳнатчини халқ хўжалигининг барча тармоқлари учун муштарак вазифаларни — хўжаликни яхшироқ юритиш, ресурслардан самарали фойдаланиш, янада натижадорроқ ишлаш вазифаларини ҳал этишга руҳлантириши ва ундашини айтдилар. Келгуси йилда камида икки кун тежалган материаллар билан ишлаб бериш зарурлиги уқтириб ўтилди. Сиёсий кунда қатнашган кишилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олдилар.

Меҳнат коллективларининг вакиллари партиянинг халқ фаровонлиги тўғрисидаги ғамхўрлигига зарбдор меҳнат билан жавоб қайтаришга, ўртага қўйилган вазифаларни шараф билан бажаришга, Ўзбекистон ССР Олий Совети, халқ депутатлари маҳаллий Советлари сайловига, Улуғ Ғалабанинг 40 йиллигига, КПССнинг бўлажак XXVII съездига бағишланган меҳнат вахтасини ишда янги ютуқлар билан нишонлашга астойдил интилаётганликларини билдирдилар.

Ягона сиёсий кунда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари доклад қилдилар.

(ЎзТАГ).

# ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

1984 йил 21 декабрь куни Тошкентда ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясининг биринчи мажлиси бўлди.

Мажлисни комиссия раиси, В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг йиғувчи-слесари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Н. Маннопов очди.

Комиссия мажлисида айтиб ўтилдики, республикада бошланган сайлов кампанияси Ўзбекистон меҳнаткашлари партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети кейинги пленумларининг, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумининг қарорларини, ўн биринчи беш йиллик план ва мажбуриятларини бажариш учун матонатли кураш олиб бораётган бир вазиятда ўтмоқда.

Советларга навбатдаги сайлов беш йилликнинг якунловчи йили — КПСС XXVII съездига актив тайёргарлик кўриш йилига, улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган ғалабанинг 40 йиллигига тўғри келади. Сайловни ўтказиш — республиканинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта воқеа.

Сайлов кампанияси тобора кенг қулоч ёйиб бормоқда. Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов ўтказувчи 510 та сайлов округи тузилди, марказий ва округ сайлов комиссиялари ташкил этилди.

Сайловолди йиғилишларининг қатнашчилари КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми раиси ўртоқ К. У. Черненкони, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоларини депутатликка дастлабки номзодлар қаторида якдиллик билан кўрсатмоқдалар.

Марказий сайлов комиссиясининг раиси Н. Маннопов мажлисда гапириб, комиссия фаолиятининг асосий йўналишлари тўғрисида, сайлов кампанияси чоғида комиссия ҳал этиши лозим бўлган вазифалар ҳақида сўзлади.

Марказий сайлов комиссияси ўз иш планини тасдиқлаб олди.

Марказий сайлов комиссияси округ ва участка сайлов комиссияларига хат юборишга қарор қилди. Бу хатларда шу комиссиялар ишини ташкил этишга доир амалий тавсиялар берилган.

Сайловга тайёргарлик билан боғлиқ бошқа бир қанча масалалар кўриб чиқилди. Сайлов бюллетенининг шакли тўғрисидаги ва бўлажак сайловни бошқа сайлов ҳужжатлари билан таъминлаш тўғрисида ахборот тингланди. Сайлов қутилари ҳамда сайлов комиссиялари муҳрларининг намуналари белгиланди.

Комиссия марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов ўтказувчи сайлов комиссиялари билан алоқасини ташкил этиш тўғрисида Ўзбекистон ССР алоқа министрининг ўринбосари М. Ш. Зоҳидов ахборотини тинглади.

Мажлисда сайлов кампаниясини тегишли юридик ва ижтимоий-сиёсий адабиёт билан таъминлаш масаласи кўриб чиқилди. Ўзбекистон ССР нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитети раисининг биринчи ўринбосари Р. А. Сафаров шу масала юзасидан ахборот берди.

Комиссия мажлисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг масъул ходимлари, республика бир қанча ташкилотларининг раҳбарлари, матбуот, телевидение ва радио вакиллари ҳозир бўлдилар.

(ЎзТАГ).

**Ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси қуйидаги адресда жойлашган: 700024, Тошкент, Парадлар хиёбони, 5. Телефон 33-95-17.**

## КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министлар Советидан

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Коммунистик партия билан Совет давлатининг таниқли арбоби, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Мудофаа министри, Совет Иттифоқи Маршали, СССР Олий Совети депутати, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Дмитрий Федорович **Устинов** оғир касалликдан кейин 1984 йил 20 декабрь куни 77 ёшида вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қиладилар.

**КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ** **СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ** **СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ**

